







Бўка районидagi «Мингчинор» боғида ўтказилган кўрик-конкурсдан репортаж



ХАЛҚ ИЖОДИ—МИСОЛИ ЧАШМА



Суратларда: кўрик-конкурсдан лавҳалар.

А. Зуфаров фотолари.

БИЗГА ЕЗАДИЛАР

ЎҚУВЧИЛАР БРИГАДАСИ КЎЗЛАГАН МАРРА

ЧИНОЗ районидagi Нодира номи 31-мактаб ўқувчилари ишлаб чиқариш бригадаси «Москва» колхоз далаларида гўза парваришда қатнашмоқда. Бригада аъзолари ўз майдонларидаги экинни яхши ўстиришга, бирорта бегона ўт йўқ. Математика ўқитувчиси Валиков Умаралиев бошлиқ 22 нафар юқори синф ўқувчисида иборат бу бригада 55 гектар ерининг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтаришни мақсад қилиб кўйган. Ҳар бир соатни ганимат билиб ишлаётган ўқувчилар орасида, айниқса, Н. Махсудова, О. Фозилова, Г. Тўғизонова, М. Аҳорова, М. Холматова, И. Салимовалар ўз меҳнатлари билан бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Т. ИМОВОВ.

АНЪАНАГА КЎРА

Ҳозирги пайтда Оржоникидзе райони бўйича жами 43 та мактаб, 24 та болалар ботчаси, 4 та ўқув ишлаб-чиқариш комбинати, 3 та мактабдан ташқари муассаса, 3 та спорт мактаби янги ўқув йилига шай бўлиб турибди.

Бу ерда ҳар йили янги мактаб биноларини фойдаланишга топшириш ўзинга хос анъанага айланган. Бу йил ҳам «Коммунист» колхозиде 320 ўринли, «Қиёрай» совхозининг 4-бўлимида 384 ўринли мактаблар ишга туширилади.

М. ҚОСИМОВА.

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

ТОШКЕНТ шаҳридаги Юнусовод массивида янги ўқув йили арафасида бир йўла тўрт мактаб фойдаланишга топширилди. Уларни 159-трест 10-қўрилиш бошқармасининг Н. Хакимзинов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари муддатидан илгари қуриб бердилар.

Ҳозир ушбу янги мактаблар учун 600 минг сўмликдан ошқ ўқув инвентарлари сотиб олинди.

С. СУЛТОНОВ.



100 Ёшли Учувчи

БРЕМЕНИК Вильгельм Хиллман минг-минглаб ўқувчилар орасида энг қарияси ҳисобланади. У биринчи марта 1913 йили самолёт кабинасига ўтирган эди. Ушундан буюн мунтазам эди. Уганда ҳам «кукурузник» самолётларидан бошқасини тан олмайди. Лекин 100 ёшида ҳам у доим кўкка парвоз этишдан қолмайди. Кексалик ўзини кўрсатяпти, шунинг учун Хиллман беш йилдан буюн ҳар эҳти-молга қарши дублёр билан бирга ўчоқда. «Кўкда мен яна ўзини ёшлардек ҳис қилмоқдам, бу эса мендек қария учун жуда муҳимдир», — дейди ветеран.

ИККИ ЮРАКЛИ КИШИ

КРЕМС шаҳрилик Лоренц Хипфел иккита юрак билан туғилган эмас. У 2,5 йил муқаддам инсбруклик профессор Раймунд Маргрэйтер операция қилгандан сўнг кўш юракли бўлиб қолди.

27 ёшли Хипфел 1984 йил 5 февралда юракни кўчириб ўтказиш операциясини бошдан кечирган эди. Уша кунни Лоренц ўзи қайта туғилган кун деб ҳисоблайди. Шу-шу у иккита юрак билан яшайди ва ўзини яхши ҳис қилади. У велосипед минади, ўзи севган пинг-понг ўйинини ўйнайди ва ҳатто баъзан футбол тепади.

Хирург Раймунд Маргрэйтер Австриядагина эмас, унинг ташқарисида ҳам машҳурдир. Юракни кўчириб ўтказиш бўйича у қилган 17 операциядан сўнг ҳозир 13 киши ҳаёт. Улар ўзларини яхши ҳис қилишмоқда.

БОЖХОНАДА ИШЛАЙДИ...

Божхона ходими бир кунни ўзинга ёқадиган емиш излаб ерининг титигини ўйнатиб юборишга тайёр турган ҳайвонни кўриб ўзини гижевандларга қарши курашишда фойдаланиш мумкин, деган фикрга келиб қолди. Луш машқлар вақтида жуда хушёрлигини кўрсатади ва кўп ўтмай божхонада ўз ўрнини эгаллади. Янги инспекторни қалғитиш осон эмас. Унинг хизмати ГФР ички ишлар министриликнинг махсус бўйруғида ҳам қайд этилган. Бу министриликда ёввойи чўча божхона шатига расмий равишда қабул қилинган. У ўз вази-ларини ҳар қандай давлат маъмурий ходимидан ёмон уддаламаяпти.

ТОШБАҚАЛАР ФЕРМАСИ

МАЛАЙЗИЯДАГИ Тренгану штатида улкан тошбақаларни кўпайтириш фермаси ташкил қилинди. Бу ҳайвон оммавий равишда қириб юборилганлигини унинг йўқ бўлиб кетиши хавфини туғдирмоқда. БЕРНАМА ахборот агентлигининг хабарига кўра бу бутун Осиёдаги бирдан-бир шундай фермадир. Келгуси йил мартабача фермага мингга яқин тошбақа болаларини олиб келиш мўлжалланмоқда. Улар катта бўлгач, денгиздаги қўриқхоналарга кўчирилади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЯНГИ ТУРДАГИ ШАХСИЙ СТРАХОВАНИЕ — МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ СТРАХОВАНИЕСИ ҲАҚИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШҚАРМАСИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1986 йил 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ЯККА ПАРТИБДА СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ ТУРИ — МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ БАХТИСIZ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ ЖОРИИ ҚИЛИНАДИ.

Мақтаб ўқувчиларини страхование қилиш ўқув йилининг биринчи ойидаёқ бевосита мактабнинг ўзида ўтказилади. Кундузги таълим мактабларининг барча ўқувчилари страхование қилдирилиши мумкин. Ўқувчининг ота-онаси ёки бошқа қариндош-уруғлари йилга 2 сўм ҳаёмида знос тўлайдилар.

Взносни тўлагандан сўнг страхование қилдирувчи киши та белгиланган формадаги страхование гувоҳномаси топширилади.

Мақтаб ўқувчиси шартномага биноан мактаб қаникулари ҳам ўқусоба олинган ҳолда бир йил мобайнида страхование қилдирилган саязлади.

Бир йил мобайнида агар у бошқа умумий таълим мактабига кўчиб ўқиса (мазкур мактаб қаерда жойлашган бўлишидан қатъий назар) бу ҳолда ҳам шартномага таъсир этмайди.

Ана шундай шартнома асосида мактаб ўқувчиси шикастланиш оқибатида шунингдек, шартнома таъсир кучида бўлган даврда ўз саломатлигини йўқотган ёки шикаст топан бахтсиз ҳодиса туғайди ҳалок бўлган тағдирда ҳам Гострах инспекцияси страхование ҳақини тўлайди.

Тўлангани лозим бўлган страхование пули боланин страхование қилдирган қариндош-уруғларгагина берилади.

«ВЕСНА» ҲАМИША СИЗ БИЛАН

Саёхатта йўл олганингизда «ВЕСНА-207-СТЕРЕО» кассетаси бир хил тезликда айланувчи «Весна-207-стерео» магнитофонини ола кетинг. Шундай қилсангиз ҳамма жойда — дала ҳовлида ҳам, денгиз қирғоғида ҳам, туристик сафарда ҳам — севимли музика сизни эриктирайд.

Агарда сиз сайроқи қушлар овозини севсангиз, табиат олами сизни қизиқтирсин, ўрмонда бўлбл хоншинин, денгиз тўқиларини шовуллашини, чайкалар қийқирғинини... магнит лентасига ёзиб оласиз.

«ВЕСНА-207-СТЕРЕО» музикали ва суҳбатли эшиттиришлари, қушлар, ҳайвонлар овозини стерео ва монофон усулдо ёзиб олади ва ички громкоговоритель ускунаси ёрдамида қайта эшиттиради.

Магнитофон баҳоси — 265 сўм.

«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ. «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОК БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ 12-ХУНАР-ТЕХНИКА ВИЛИМ ЮРТИ 1986—1987 ЎҚУВ ЙИЛИГА қўнидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист (ремонтчи-слесарлик ва автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи билан), чорва молларини ветеринарий асбоб-ускуналар кўргазмали нурулдор ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танлаган касбингиз бўйича ўқув кўруллари мавжуд бўлиб, касбингизга пухта эгаллашга имкон беради. Барча ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал боғул оғақ, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида баъдий ҳаваскорлик тўғрисида, фото, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол теннис тўғрисидаги мунтазам ишлар бўлади.

Алоҳида футбол майдони, отини тирин мавжуд. Ўқини лавоимида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига энскурсияларга борадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртига ўқишга конкурсиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқини муддати 1 ва 3 йил. 3-класс тракторчилари группаларида ўқини муддати 6 ой. Бу группани битирган барча ўқувчиларга Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлашга йўллана берилади.

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист ва автомобиль ҳайдовчилари группаларига фақат 8-синфни битирган ўқувчилар қабул қилинади.

Қолган мутахассисликлар бўйича 3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар иттиҳосини қабул қилинади.

Ўқини 1 СЕНТЯБРДАН ВОШЛАНАДИ. Кирувчилар қўнидаги ҳужжатлари топширадилар: директор номига ариза, 8 ва 10-синфни битирганлик ҳақида шаходатнома, турар жойидан справка, 8 донга 3х1 см. ҳажмидаги фотосурат, медицина справкиси.

Адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкиси, Тошкент шаҳридан 1, 16, 24-автомобилларда «Троицкий поворот» бекатигача борилади. Метронинг «М. Горький» станциясидан 63-автомобилда «1-Қорасу» бекатига, Луначарский шоссесига «Марк» бекатидан «Тошкент—Чингелди», «Тошкент — Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекатигача борилади. Қабул комиссияси ҳар кунни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

ЎТГАН шанба кунин Бўка райони марказидagi «Мингчинор» маданият ва истироҳат боғида қишлоқ районлари маданият муассасалари қoшида ташкил этилган фольклор ансамбллари, халқ бахшичлари ва аскиячларининг кўрик-конкурс бўлиб ўтди.

Бағи театр сахнасида областимизнинг турли районларидан келган онахонлар ансамбллари халқ ашуларини ва рақсларини намойиш қилдилар. Кўрик-конкурс Янгийўл шаҳри маданият уйининг «Заррин апроқлар» фольклор ансамблининг чиқиши билан бошланди. Онахонлар «Хилила-ёр», «Фабриканинг йўлида», «Омонёр» каби кўшиқларни ижро эттиди. Томоша-бинларга, айниқса, 84 ёшли Рузвон буюи Шокированинг рақслари манзур бўлди. Шундан кейин Паркент районидagi Энгельс номи совхозининг «Ёр-ёр», шу раи-

ондagi «Прогресс» совхозининг «Лапар», Коммунистик районининг «Муножот», Бўстонликнинг «Гулёр», Пискентнинг «Хилола», Оҳангаронининг «Нафосат» фольклор ансамбллари катнашчилари ҳам ўз репертуарларидаги кўшиқ ва рақсларни ижро этдилар.

Кўрик-конкурсда иштирок этган Оҳангарондagi Қорахотой қишлоқ маданият уйи қoшидаги «Аскиячлар» клуби аъзоларининг чиқишлари, бўкалик Чори баҳши Хўжамбердиев айиб берган достонлардан парчалар ҳам йнги-ганларда катта таассурот қолдирди. Тошкент Давлат маданият институти олимлари ва област маданият бошқармаси ходимларидан иборат жюри ҳайъати ижро этилган куй ва рақсларга юқори баҳо бериб, кўрик-конкурс гoлибларини диплом ва фахрий ёрликлар билан мукофотладилар. — Областида олтинчи бор ўтказилаётган бу тадбир, — дейди жюри ҳайъати раисининг ўринбосари, Тошкент Давлат маданият институтининг кафедра мудири, фольклоршунос олим, филолог фанлари доктори, профессор Малик Муродов, — халқини орасида қобилиятли, талантли сазнат эгалари жуда кўп эканлигини яна бир бор исботлади. Пенсияерлар ва меҳнат ветеранларидан иборат фольклор ансамбллари тобора кўпайиб, уларнинг репертуари замонавий кўшиқлар билан бойиб бoраётгани, ижрода ва овозда халқ анъаналари сақланиб қoлаётгани, кўшиқларнинг турли тилларда ижро этилиши — буларнинг бари биз учун қувончлидир. Аммо кўрик-конкурсда фольклор группаларига хос баъзи камчиликлар ҳам сезилиб қолди. Улар репертуаридagi айрим асарларда ортикчаликлар, кўшиқ текстларидаги гапчилик, ҳатто ноқуё сўзларнинг ҳам ишлатилиши, рақслар ижросида уйғунлигини йўқлиги шулар жумласидандир. Шу боисдан мазкур ансамбллар ўзларининг асосий аъзафалари санъат ёрдамида ишларни тарбиялаш эканлигини унутмасликлари лозим. У. АБДУШОҲИДОВ.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ҲИСОБ 6:5

Каспаров билан Карпов ўртасидagi реванш-матчининг 11-партисси бўлиб ўтди. Бу сафар оқ доналар билан А. Карпов ўйнади. Партия дуранг ҳисоб билан якунланди. Шундай қилиб Лондондagi охириги учрашув олдидан 6:5 ҳисобида Гарри Каспаров олдиде бормоқда. Регламент бўйича бугун навбатдagi ўйин.

БИЛДИРИШ

БУГУН, 27-август кунин соат 17.00 дан 19.00 гача «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси Ҳузурда тузилган жомоатчи Совет қабулхонаси ишлайди. Унда область юстиция бўлими бошлигининг ўринбосари А. Мамедов меҳнаткашларини қабул қилади. Шикоят, ариза ва илтимосномалари бўлган ўртоқлар ана шу қабулхонага келишлари ва ўзларини қизиқтирган масала-лар юзасидан мурожаат қилишлари мумкин. Келишга имкон тополмаган кишиларга редакция жомоатчи Совет қабулхонаси хат орқали ҳам жавоб беради.

Жомоатчи Совет қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган, телефонлар: 33-40-48, 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ СОВЕТ ҚАБУЛХОНАСИ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНИГИМИ?

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Иттифоқимизнинг ҳамма жойингиздagi жомоатчи мат-жоулардagi киб республика-мида ҳам 1987 йил учун га-зета ва журналларга обуна бошланди. «Тошкент ҳақиқати» газетаси-га ҳам обуна бўлишни унут-манг. Бунинг учун «Союзпечать» агентликларига ёки иш жойин-гиздagi, ўқув юрти ва турар-

НИКАРАГУА ТОШКЕНТЛИК РАССОМ НИГОҲИДА

ТОШКЕНТЛИК моҳир рассом Дамегул Бердимбетова бир яриш йилдирки турмуш ўртоғи, врач-травматолог Жолдас Қўлжаков билан Никарагуада яша-моқда. Жолдас Қўлжа-нов Никарагуа ҳукума-тининг тақлифига бино-ан, бир қатор интерна-ционалици шифокорлар билан бирга Манагуада даволаш муассасалари-нинг ташкил этишида ёрдам беришмоқда.

Дамегул эса бўш вақт-ларида ижод билан шуғулла-напти. Озодлик учун кура-шайтган Никарагуа халқи билан мулоқот А. Н. Ост-ровский номи Тошкент дав-лат театр ва рақсминчи-лиг институтининг талаб-си ижодига кириб борди. Унинг «Никарагуа-86» сериясига кирган жуда кўп асарлари

да галабага эришдилар. Олма-лиқнинг «Металлург» коман-даси эса Самарқандда маҳаллий «Экспресс» коллективини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Қолган ўйинлар қўнидаги на-тижалар билан якунланди: «Бинокор» — «Моргак» — 1:0, «Старт» — «Металлург» (Бек-обод) — 3:1, «Автомобилист» (Ургач) — «Факел» — 6:0, «Бетоншики» — «Автомобилист» (Фарғона) — 0:1, «Еш кучи» — «Техник» — 2:0, «Гулстрнчи» — «Шахрихончи» — 3:1.

20-тур ўйинларидан сўнг 36 очко тўплаган Тошкентнинг «Трактор» командаси чемпио-натда пешқадамлик қилмоқда.

ЧЕМПИОНАТДАН ЧЕТЛАШТИРИЛДИЛАР

Область чемпионатининг навбатдagi тур учрашувлари қўнидаги натижалар билан якунланди.

«А» ГРУППА: «Галаба» — «Кооператор» — 2:1, «Шахтёр» — «Сплав» — 3:1, «Олмалик» — «Чимён» — 3:0, «Бўка» — «Умид» командалари ўртаси-даги матч футболчиларнинг интизомсизлиги туфайли тўх-татиб қўйилди. Шу группда ўйнаётган «Калинин» футбол командаси бир неча бор ўйин-га келмаганиги сабабли че-мпионатдан четлаштирилди.

«Б» ГРУППА: «ЎзССР 5 йил-лиг» совхоз — «Оққўрғон» — 2:3, «Спартак» — «Заря коммунизма» — 8:2, «Охунбо-вoв» номли колхоз — «Кремль» — 3:1, «Оҳангарон» — «Ав-томобилист» — 1:0.

«А» группда 12-турдан сўнг 19 очко билан «Умид» коман-даси пешқадамлик қилмоқда. «Б» группда эса 30 имконият-дан 28 очко тўплаган Янгийўл районининг «Спартак» футбол-чилари олдиде боришмоқда.

Шу группдаги Бекободнинг «Цёментник» ҳамде Янгийўл районининг «Халқобод» коман-далари ҳам қатор ўйинларга сабабсиз келмаганиги учун биринчиликда четлаштирилди.

ГазетанинГ ОБУНА БАҲОСИ: 1 йилга—6 сўм 60 тиийн.

НИКАРАГУА ТОШКЕНТЛИК РАССОМ НИГОҲИДА

яринда кўргазма қилиб Ма-нагуада курсатилди. Аквар-ель ва қаламда чизилган асарлари Никарагуа шаҳар ва қишлоқларидagi ҳаёт, Манагуанин содда архи-тектураси кенг ўрин олган. Халқ миллионерни, револю-ция химоячсин, медицина ка-бин портретлар айниқса, жонли чиққан. Уларнинг ҳаммаси асосан врач-интернациона-листлар ишлайдиган «Мара-ли Маралис» госпитали рай-ониде чизилган.

Янгида Дамегул Берди-бетова Тошкентда бўлди ва «Рассомлар уйи»да ўз кўр-газмасини намойиш этди. Унинг асарлари орқали қаҳ-рамон халқнинг революцио-ни кураши ва ҳаёти тош-кентликларда катта таассу-рот қолдирди.

О. АПУХТИН.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ «Ташкентская правда» ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНИ И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, маъзул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноят, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ ҳўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ваташпарварлик — 325645; кунги на-батчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12